

2022 й 18 августдаги ХК “BRIGADIR” ва Тахиаташ райони ҳақимияты ўртасида №4 шартномага умумий суммага 1174200000 тузилган

### ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 018

Шахсий газна ҳисобварақ 400122860352287011204018004

(сўмда)

2022й. ойлар номи.	Харажатлар тури (бюджет таснифининг тегишли коди)			Всего
	4233900	...*	...*	
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август	1174200000			1174200000
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь	1174200000			1174200000

Жами сум 1174200000 (Один миллиард сто семьдесят четыре миллионов двести тысяча ) сум

сумма сўз билан

Юқорида кўрсатилган суммадан сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30% 2022 йил август ойида курсатилган ойида ойларида тўланиши лозим.

(\*)-Бюджет тошкilotи, бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади:

(\*\*)-бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилган:


(\*\*\*)- Юқорида кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкilotи, бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб шартномалари бўйича тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

документах.)

Руководитель заказчика

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

  
Маткаримов Илхом Исмаилович  
(подпись) Ф.И.О.

  
Алимова Гулистан Алиевна  
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_ г.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

2022 йил 18- август

Тахиатош тумани

Тахиатош тумани хокимлиги номидан Устав асосида иш кўрувчи хоким И.Маткаримов бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва ХК «BRIGADIR» номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар Т.Машарипов иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, Тахиатош туманидаги маданият ва истирохат боғи худудини ободонлаштириш (бинонинг жорий таъмири ёрдамчи вазифалари ва дискотека) жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

**Ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

**Вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**Беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Тахиатош туманидаги маданият ва истирохат боғи худудини ободонлаштириш (бинонинг жорий таъмири ёрдамчи вазифалари ва дискотека) жорий таъмирлаш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил \_\_\_\_\_ кунги (Лот №132003) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан ҚҚС билан 153 156 521,74 сўм (Бир юз эллик уч миллион бир юз эллик олти минг беш юз йигирма бир сўм) 74-ийин Тахиатош туманидаги маданият ва истирохат боғи худудини ободонлаштириш (бинонинг жорий таъмири ёрдамчи вазифалари ва дискотека) жорий

таъмирлаш буйича қурилиш ишларини бажариш учун жами **1 174 200 000 (Бир миллиард бир юз етмиш тўрт миллион икки юз минг) сўми**ни ташкил этади. (Пудратчи Т.Машарипов)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари.**

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг қучи ва (ёки) жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан қелишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссиқ оват билан таъминлаш;

- қурилиш таваққалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофиқ, ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, ақс ҳолда ҳисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида қўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз қучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиха-смета хужжатлари ва иш хажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хохиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирамайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 60 кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс утказди, топширилган иш хажми тулик бажарилгандан сунг қолган 70 % маблағ тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади.

-Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фоизлик маблағи 1 йиллик қафолат муддати тамом булгандан кейин, тегишли хужжатлар тақдим қилинганнан сўнг амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 60 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

22. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бандида қуратиладиган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жаadwalига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

29. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жаadwalарини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

32. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли қорхоналарга топширади.

33. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида қуратиладиган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга

мувофик булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини кафолатлайди.

34. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

35. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан қелишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рўхсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқии тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

### **IX. Ишларни қуриқлаш.**

41. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. Енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари.**

43. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва

агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан куп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қилиниши муҳокама қиладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида қелиша олмагалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.**

46. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қуриллиши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

48. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

### **XII. Кафолатлар.**

50. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

51. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган қундан бошлаб қамида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати қамида 24 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имқонини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларнитекшириб чиқиш «Давархитектуруилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига муружаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

54. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан I ойдан қура вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

55. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қурилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бирой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қурилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир қун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қиемининг 0,5 фои­зи микдорида пеня тулайди, бунда

пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

62. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида баргараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофик объектда хар ойда бажарилиши лозим бўлган иш хажмларини бажармаган тақдирда, ишлар кийматининг 5 фоизи микдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

65. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

67. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нуқустуманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар.**

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади..

69. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирон-бир учинчи (шаҳс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

70. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-усқуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз факат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган холда, ҳам улар берилмаган холда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши

доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташкарига реализация килиш деб хисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

71. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шarti билан мустакил амалга оширилади.

72. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

76. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб ҳудудий газначилик бўлинмаларидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

77. Ушбу шартнома 2 ( икки ) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

#### **XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

78. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилинмасликка қелишиб оладилар.

79. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

80. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ( ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг ) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар қўради.

81. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўрғинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳар қандай вақт ва шаклда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўрғинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинмаган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинмаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини

яширшга; д)коррупцияга оид хукукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки тахдид килиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дархол хабардор килиши шарт.

82. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга( шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютерлар, хукукшунослари, хисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

83. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини қафолайдилар.

84. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 5.4 ва 5.5- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### ХVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

##### БУЮРТМАЧИ:

Тахиатош тумани ҳокимлиги

Манзили: Тахиатош тумани, Аль  
Фарабий кучаси рақамсиз уй

Банк: МБББ\_ХККМ Ташкент ш.  
Ҳ/Р:23402000300100001010  
МФО: 00014 ИНН: 200395026

Ҳ/р: 400129860352287011204018004  
ОКЭД: ОКОНХ 84112

Тахиташ Тумани Газначилик бўлими

Ҳоким:  И.Маткаримов

##### ПУДРАТЧИ:

ХК «BRIGADIR»

Манзили: Тахиатош Тумани,  
Ш.Рашидов кучаси рақамсиз уй

Тел/Факс: +99891-378-66-77

ИНН: 305 817 569

Банк: АКБ Капитал банк Нукус ш.

р/с: 2020 8000 4009 3431 5002

ОКЭД: \_\_\_\_\_ . МФО: 01038

Раҳбар:  Т.Машарипов



*С.С. Рашидов*

«ТАСТЫЙБЕКЛАЙМАН»

Тахияташ району Хақиминик биринши орынбасары А.Аманов

18 08 2022-жыл

Тахияташ район Хақимлиги «Тахиятлш району маданият ва истирохат боги худудини ободонлаштириш (бинонинг жорий таъмири ердамчи вазифалари ва дискотека )жорий таъмирлаш бойынша танлаў комиссиясы»ның ен жақсы уынысларды таңлап алыў бойынша откерилген 3-санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл “18” август \_\_\_\_\_

Тахияташ району

Катнасыўшылар  
Комиссия баслығы

(Ф.И.Ш)

Г.Бектемиров

(Лаўазымы)

Курылыс бойынша хақим орынбасары, комиссия баслығы

Комиссия ағзалары

К.Камалов  
Ф.Уразимбетов

Хожалык ислери бойынша менгеруишиси Шолкемлестириу и кадагалау топар баслығы, комиссия ағзасы

Ф.Бекжанов

Курылыс болими бас канигеси, комиссия ағзасы

Г.Алимова

Бас есапшы, комиссия ағзасы

### КҮН ТӘРТИБИ:

Тахияташ району хақимлиги - Таңлап алыў комиссиясы баслығы Г.Бектемиров мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усынды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар хаққында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына муапық ең жақсы усынысларды таңлап алыў откерилиўи хаққында арнаўлы информацийон порталында (<http://xarid.uzex.uz/>) да-ғаза таңлаў катнасыўшыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылган 2022 жыл 11 август күни 32003-санлы лот бойынша 2022-жыл 18 -август кунги 3-санлы баянламасы бойынша хеш кандай шағым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар хаққында”ғы Нызамы талапларына хәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапка алып Таңлаў комиссиясы

### ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Тахияташ району хақимлиги Тахиятлш району маданият ва истирохат боги худудини ободонлаштириш (бинонинг жорий таъмири ердамчи вазифалари ва дискотека )жорий таъмирлаш ушын откерилген таңлап алыўда таңлаў хўжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған хәм таңлап алыў женимпазы деп табылган «БРИГАДИР» ЧП 1174200000 сум (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дузилсин.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў хукуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, «GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI» ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына муўапық таңлаў қатнасыўшыларының усынысларын көрип шығыў хәм баҳалаў мүддети усыныслар берийў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.

4. Мекеменин бас есапшысы – Г.Алимова танлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) жайластырыу тапсырылсын.

5. Танлау комиссиясы хаткери Камалов К., усы танлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

**Қатнасыўшылар**  
**Комиссия баслығы**

**Имзасы**  



**(Ф.И.Ш)**

Г.Бектемиров

**(Лаўазымы)**

Курылыс бойынша хахим  
орынбасары, комиссия баслығы  
орынбасары, комиссия баслығы  
Хожалык ислери бойынша  
менгерушиси  
Шолкемлестириу и кадагалау  
топар баслығы, комиссия агзасы  
Курылыс болими бас  
канигеси, комиссия агзасы  
Бас есапшы, комиссия агзасы

**Комиссия ағзалары**



К.Камалов



Ф.Уразимбетов



Ф.Бекжанов



Г.Алимова